

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

42-43-сон
(1114-1115)
2023 йил
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

430. «Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 23 октябрдаги ЎРҚ-871-сон Қонуни

431. «Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 26 октябрдаги ЎРҚ-872-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

432. «Авиация фаолиятини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 октябрдаги ПҚ-337-сон қарори

433. «Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 октябрдаги ПҚ-343-сон қарори

Бешинчи бўлим

434. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти бошлиғининг 2023 йил 28 сентябрдаги 37-сон «Кимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-7*)
435. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил 28 сентябрдаги 250-сон «Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг хизмат-жанговар, ижтимоий-хуқуқий, ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3464*)
436. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 13 октябрядаги 41-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланадиган, туман (шахар) даражасида амбулатор ва стационар шароитда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтка-зилди, рўйхат рақами 3465*)
437. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 19-oktabrdagi 13-mh-son «Tovar belgisi va xizmat ko‘rsatish belgisini ro‘yxatdan o‘tkazish uchun talabnomma tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida»gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘srimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida»gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 19-oktabr ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1988-7*)
438. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2023 йил 14 октябрдаги 113-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроғи ва эмблемасидан фойдаланиш тарти-

би тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3466)

439. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 12 октябрдаги 517-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳисбхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 октябряда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-6)
440. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2023 йил 27 октябрдаги 3-сон ва Рақамли технологиялар вазирлигининг 2023 йил 26 октябрдаги 23/11-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 октябряда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181-4)
441. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 27 октябрдаги 14-мҳ-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 октябряда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3467)
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

430 Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
25 июля қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 29 сентябрда
маъқулланган

Мамлакатимизда ер муносабатлари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ер участкаларини ижарага олишда ижара муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилаш, ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш, жамоат эҳтиёжлари учун оммавий сервитут белгилашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига сервитут тўғрисидаги шартномага, сервитут иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига, сервитутни ўзгартириш ва уни бекор қилиш, сервитут учун ҳақ тўлаш, оммавий сервигутни белгилашни қоидаларига доир қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари ижара муносабатларининг обьектига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартиби белгиланмоқда, ер участкаларини ижарага бериш тартиби ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ерга бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш асослари аниқлаштирилмоқда.

Мазкур Қонун ижара муносабатлари янада кенгайишига, сервигут белгилаш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қиласди.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги 152-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 31-33, 371-модда; 1993 йил, № 5, 235-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2023 йил 25 октябрда эълон қилинган.

1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **7-моддасининг 8-бандидаги** «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга» деган сўзлар «Кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган **«Ижара тўғрисида»**ги 427-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 45-модда; 1993 йил, № 9, 329-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **8-моддадаги** «ер ва бошқа табиий ресурслардан ташқари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) қўйидаги мазмундаги **8¹-модда** билан тўлдирилсин:

«8¹-модда. Ижара обьектлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)

Ижара муносабатларининг обьектлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ижарага берувчининг розилиги билан ижарага оловчи томонидан бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкин, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ижарага оловчи томонидан бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкин.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу обьект билан бирга мазкур обьект банд этган ҳамда ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам қонунга мувофиқ бошқа шахсга ўтади, бунда ижарага берувчининг розилиги талаб этилмайди.

Қонунда белгилangan тартибда электрон онлайн-аукцион орқали қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини ижарага олган жисмоний ва юридик шахслар ижарага олинган ер участкаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ижара муддатидан ошмаган муддатга ўтказиши (қайта ижарага бериши) мумкин. Бунда ижара шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги ижарага оловчига ўтади»;

3) **12-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ер» деган сўз «давлат мулкида бўлган ер участкалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «нарх-наво ва тарифлар» деган сўзлар «нарх-наво, тарифлар ва ер солиги ставкалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **18-модданинг биринчи қисмидаги** «ер ва бошқа табиий ресурслар бундан мустаснодир» деган сўзлар «бундан қишлоқ хўжалигига мўл-

жалланган ерлар ва бошқа табиий ресурслар мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «**Алоқа тўғрисида**»ги 512-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 3, 159-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **8-моддасининг учинчи қисмидаги** «ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳамда юқорида қайд этилган обьектларнинг эгалари билан» деган сўзлар «ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкаларининг мулкдорлари, шунингдек юқорида қайд этилган обьектларнинг эгалари билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1062-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 173-модданинг:

тўртинчи қисми қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Жамоат эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳолларда сервитут қонунга мувофиқ тегишли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин (оммавий сервитут)»; **олтинчи қисми** чиқарib ташлансин;

2) куйидаги мазмундаги **173¹ — 173⁷-моддалар** билан тўлдирилсин:

«173¹-модда. Ер участкасига бўлган хуқуқ бошқа шахсга ўтказилганда сервитутнинг сақланиши

Агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, сервитут белгиланган ер участкасига бўлган хуқуқлар бошқа шахсга ўтган тақдирда ҳам сервитут сақланиб қолади.

Сервитут олди-сотди, ҳадя, гаров ёки ижаранинг мустакил предмети бўлиши мумкин эмас, шунингдек уни сервитут белгиланган кўчмас мулкнинг хуқуқ эгаси бўлмаган бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

173²-модда. Сервитут шартлари

Сервитут ушбу Кодекснинг 173-моддасида назарда тутилган асослар амал қилишини йўқотмагунга қадар амал қиласди.

Сервитут белгиланганда сервитут белгиланаётган ер участкасининг майдони, ушбу ер участкасида муҳандислик-коммуникация тармоқлари обьектларини қуриш, улардан фойдаланиш, уларни кўздан кечириш ва таъмирлаш шартлари, ер фонди тоифасидан қатъи назар, ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкасининг ижарачисига ва (ёки) мулкдорига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби, сервитут белгиланаётган ер участкасининг жорий ҳолати, ер участкасини ундан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш зарурлиги, сервитут учун ҳақ тўлаш тартиби, шунингдек сервитут белгиланган ер участкасидан фойдаланишдаги чекловлар кўрсатилиши шарт.

Сервитут белгиланганда қонунга мувофиқ бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

173³-модда. Сервитут учун ҳақ тўлаш

Сервитут белгиланган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкарининг ижарачилари ва мулкдорлари сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан ушбу ер участкаларидан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир.

Ер участкасининг сервитут белгиланган қисми учун ер солиғи (ижара ҳақи) ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари томонидан тўланади, бунда сервитут учун тўланадиган (бир марталик ёки доимий) ҳақ миқдори сервитут амал қиласиган давр учун белгиланган ер солиғи (ижара ҳақи) суммасидан кам бўлиши мумкин эмас.

Сервитут учун ҳақ тўлашга оид бошқа шартлар, шунингдек сервитут тўловсиз (текин) амалга ошириладиган ҳолатлар қонунда белгиланади.

173⁴-модда. Сервитут белгиланган ер участкасида муҳандислик-коммуникация тармоқлари обьектларини сақлаш

Агар сервитутни амалга ошириш учун сервитут белгиланган ер участка-

сида мұхандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд бўлиши талаб этилса, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, мазкур ер участкасининг ижарапчилари ва мулкдорлари бундай мұхандислик-коммуникация тармоқларини сақлаш ва улардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиши кераклиги белгиланиши мумкин.

Агар ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарапчилари ва мулкдорлари мұхандислик-коммуникация тармоқларидан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс мұхандислик-коммуникация тармоқларини, улардан фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда сақлаши керак.

173⁵-модда. Сервитут белгиланган ер участкасини бўлиш

Агар сервитут белгиланган ер участкасини бўлиш сервитутдан фойдаланишга тўсқинлик қилмаса, сервитут ер участкасининг бўлинган қисмларига нисбатан ҳам сақланиб қолади. Бунда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, бўлинган ер участкасининг ижарапчилари ва мулкдорлари сервитут шартлари қайта кўриб чиқилишини талаб қилишга хақли.

Агар сервитут бўлинган ер участкасининг фақат битта қисмига белгиланса, у қолган ер участкаларига нисбатан бекор қилинади.

173⁶-модда. Сервитутни ўзгартириш ва бекор қилиш

Сервитут тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритишда ва уни бекор қилишда ушбу Кодекснинг шартномаларни ўзгартариш ва бекор қилишга доир қоидалари қўлланилади.

Оммавий сервитутни ўзгартаририш ва бекор қилиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сервитутни ўзгартаририш ва бекор қилиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

173⁷-модда. Бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулкка сервитут белгилаш

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ер участкасидан фойдаланишдан ташқари, чекланган тарзда фойдаланиш зарур бўлган бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулкка ҳам ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда ҳамда шартларда сервитут белгиланиши мумкин»;

3) 259¹-модда:

номи «мол-мулки» деган сўзлардан кейин **«ёки ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Карздор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, кредиторнинг мол-мулк ёки ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи билан таъминланган мажбуриятлар бўйича талаблари ушбу мол-мулкнинг ёки ер участ-

касини ижарага олиш хукуқининг қийматидан мазкур мол-мулк ёки ер участкасини ижарага олиш хукуқи ўзига тегишли бўлган шахснинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли равишда қаноатлантирилади»;

иккинчи қисми «ўз хукуқлари» деган сўзлардан кейин «ёки ер участкасини ижарага олиш хукуқи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмининг:

биринчи хатбоиси «ўз хукуқлари» деган сўзлардан кейин «ёки ер участкасини ижарага олиш хукуқи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоиси «ушлаб қолиш» деган сўзлардан кейин «ёки ер участкасини ижарага олиш хукуқини сотиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисми «хукуқлари» деган сўздан кейин «ёки ер участкасини ижарага олиш хукуқи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мол-мулкка бўлган ўз хукуқлари ёки ер участкасини ижарага олиш хукуқи тўғрисидаги ёзувни гаров реестрига киритмаган кредиторларнинг талаблари мазкур мол-мулкка бўлган хукуқлари ёки ер участкасини ижарага олиш хукуқи тўғрисидаги ёзувни гаров реестрига киритган кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан кейин ушбу мол-мулкнинг ёки ер участкасини ижарага олиш хукуқининг қийматидан келиб чиқсан холда, бундай хукуқлар юзага келишининг календарь навбатига мувофиқ қаноатлантирилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модданинг:**

биринчи қисми қўйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамоат эҳтиёжлари учун оммавий сервитут белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш»;

тўққизинчи хатбоиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) **17-модданинг:**

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик фуқаролар ва юридик шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ер участкалари-

га факат ижара ҳуқуки асосида эга бўлиши мумкин, бундан ушбу Кодекс 18-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

бешинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахслар ўзига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуки асосида тегишли бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкала-рини қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда хусусийлаштиришга ҳақли»;

3) **18-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

4) **23-модда:**

иккинчи қисмининг:

1-бандидаги «тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини» деган сўзлар «тадбиркорлик, шаҳарсозлик фаолиятини ва қонунчилик билан тақиқланма-ган бошқа фаолият турларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) ижарага бериш — очиқ электрон танлов ва электрон онлайн-аукцион воситасида, шунингдек ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган ҳол-ларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан. Хусусий мулк бўлган ер участкасини ижарага бериш унинг мулкдори томонидан амал-га оширилади»;

учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «(сотиб олинганидан)» деган сўзлар «(қайта сотиб олинганидан)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **24-модда:**

еттинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижарага берилган ер участкасини ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, бундан ушбу Кодекснинг 24²-моддасида назарда тутилган ҳоллар ва хусусий мулк бўлган ер участкаларининг ижараси мустасно»;

саккизинчи қисмининг биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, хадя, айирбошлаш объек-ти бўлиши мумкин эмас, бундан ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назар-да тутилган ҳоллар мустасно»;

қўйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жисмоний ва юридик шахслар электрон онлайн-аукцион орқали ижа-рага олган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни ижара муддатидан кўп бўлмаган муддатга бошқа шахсга ўтказиши (қайта ижарага бериши) мумкин»;

тўққизинчи — ўн олтинчи қисмлари тегишинча **ўнинчи — ўн ет-тинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) **24¹-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат органлари, муассасалари ва корхоналарига доимий фойдаланиш ҳуқуки асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар дав-лат-хусусий шериклик асосида ижарага берилиши мумкин. Бунда қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган суғориладиган ерлар ва лалми ерлар Ўз-бекистон Республикаси фуқароларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхонала-

рига уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўқиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролариға, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган инвесторларга ўттиз йил муддатга, ушбу Кодекснинг 46¹-моддасида белгиланган ўлчамларда ижарага берилиши мумкин.

Ўрмон фондининг фойдаланилмаётган (ўрмон билан қопланмаган) ерлари жисмоний ва юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион орқали ижарага берилиши мумкин.

Давлат органларига, муассасаларига, корхоналарига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатига — хусусий шерикка;

ижтимоий фойдалари мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ижтимоий шериклик тўғрисидаги битимлар ва шартномаларнинг амал қилиш муддатига — нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига;

жамоат эҳтиёjlари учун бошқа юридик шахсларга;

енгил турдаги объектларни жойлаштириш учун юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда қисқа муддатли ижарага берилиши мумкин.

Доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларини ижарага беришга улардан фойдаланишнинг мазкур Кодекснинг 20-моддасида назарда тутилган асосий мақсадини сақлаб қолиш шарти билан йўл қўйилади. Бунда мазкур тартиб ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган ер участкаларини бериш (реализация қилиш) ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларини ижарага беришда, шу жумладан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишида, тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашда, агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ижарага олинган мол-мулкни иккиламчи ижарага бериш шартлари ва тартиби қўлланилади.

Доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

7) **24⁴-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24⁴-модда. Ер участкасини ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш

Агар қонунда ёки шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин янги муддатга ер участкасини ижарага олиш шартномасини узайтиришда шароитлар teng бўлган ҳолларда, бошқа шахс-

ларга нисбатан имтиёзли хуқуққа эга бўлади. Ижарага олувчи ижарага берувчини ер участкасини ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатда, агар шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар уч ой ичидан бундай шартномани узайтириш истаги хақида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Ижарага берувчи ижарага олувчининг ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш тўғрисидаги мурожаати келиб тушган пайтдан эътиборан бир ой ичидан ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтиришга асослантирилган рад жавобини бермаса ва бу ҳақда ижарага олувчини хабардор қилмаса, ер участкасини ижарага олиш шартномаси аввалги шартлар асосида янги муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтиришни асоссиз рад этган ҳолда ер участкасини ижара муддати якунланганидан кейин бир йил ичидан бошқа шахсга ижарага берса, ижарага олувчи шартнома бўйича хуқуқ ва мажбуриятлар ўзига ўtkазилишини ҳамда шартномани янги муддатга узайтириш рад этилиши муносабати билан ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини ёки фақат заарнинг ўзи қопланишини суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар ижарага олувчи ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам ер участкасидан фойдаланишини давом эттираса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ижарага берувчи томонидан эътиrozлар бўлмаса, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шартнома ўша шартлар асосида худди ўша муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда ер участкасининг дастлабки ва янги муддатга узайтирилган биргаликдаги умумий ижара муддати ушбу Кодекснинг 24-моддасида белгиланган энг кўп (охирги) муддатдан ошибкетмаслиги керак»;

8) 25-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Геология-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидириув ишларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бу ишларни белгиланган тартибда қабул қилинган қарорлар асосида барча тоифадаги ерларда ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан, ижаракилардан ҳамда мулкдорлардан ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда оммавий сервитут асосида амалга ошириши мумкин.

Геология-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидириув ишларини амалга ошириш учун оммавий сервитут қонунчиликда белгиланган тартибда рухсатнома олган ёки ушбу рухсатномани берган ташкилотнинг мурожаатига асосан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Суғориладиган ҳайдов ерларида, боғларда, токзорлар, тутзорлар, мевазорлар, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган пичанзорлар ва яйловларда, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерларда қидириув ишларини амалга ошириш учун оммавий сервитут бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади, зарур ҳолларда бу муддатни узоғи билан яна бир йилга узайтиришга йўл қўйилади»;

9) 28-модданинг тўртинчи қисми қўйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижарага ҳақи шаклида олинади. Давлат мулкида бўлган ер участкалари учун ижарага ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган шахслар ер учун ижарага ҳақини ер солиғи тўловчилар учун белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўлайди. Агар қонунда ва ижарага шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу тартиб доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкалари ижарасига нисбатан ҳам қўлланилади.

Хусусий мулк бўлган ер участкалари учун ижарага ҳақи миқдори ва тўлов шакли ижарага берувчи ҳамда ижарага олувчи ўртасида мустақил равишда шартномада белгиланади. Бунда ер солиғини тўлаш мажбурияти ижарага берувчининг зиммасига юклатилади»;

10) 29-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбоюси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер участкасини сотиш ёки ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш, бундан хусусий мулк бўлган ер участкаларининг бошқа шахсга ўтказилиши ва ушбу Кодекс 24-моддасининг тўққизинчи қисмida назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

11) 30-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) — кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгасининг қўшни ер участкасидан, зарур ҳолларда эса бошқа ер участкасидан ҳам чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир.

Сервитут қўйидаги мақсадларда белгиланиши мумкин:

ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш;

ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш;

ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алока линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш;

ўзганинг ер участкасидан экинзорларни ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини суғориш учун сув олиш;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш;

ўзганинг ер участкасида ихота дараҳтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллукли бошқа объектлар барпо этиш.

Сервитут бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мумкин.

Сервитут, уни белгилашни талаб қилган шахслар билан ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижаракчиси ва мулкдори ўртасидаги шартномага мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд қарорига биноан белгиланади.

Жамоат эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳолларда сервитут ушбу Кодексга мувофиқ вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ҳам белгиланиши мумкин (оммавий сервитут).

Сервитут тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатига олиниши лозим ва у

ер участкаси бошқа шахсга ўтган тақдирда ҳам сақланиб қолинади. Сервитут тўғрисидаги шартнома уни белгилашга сабаб бўлган асослар ўз аҳамиятини йўқотган тақдирда, бекор қилиниши мумкин.

Сервитут белгиланиши ер эгасини, ердан фойдаланувчини, ер участкасининг ижарачиси ва мулкдорини ушбу ер участкасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди»;

12) қуйидаги мазмундаги **30¹ — 30⁶-моддалар** билан тўлдирилсин:

«30¹-модда. Сервитут тўғрисидаги шартнома

Ер участкаси нисбатан сервитут тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилади.

Сервитут тўғрисидаги шартномада қуйидаги шартлар кўрсатилиши керак:

сервитут белгиланиши керак бўлган ер участкасининг кадастстр раками;
сервитутни белгилашнинг мақсадлари ва асослари;
шартнома тарафлари тўғрисидаги маълумотлар;
сервитутнинг амал қилиш муддати;
сервитут учун белгиланган ҳақ миқдори (мавжуд бўлганда);
шартнома тарафларининг ҳуқук ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги;
белгиланган сервитут муддати тугаганидан кейин ер участкасини белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли холатга келтириш ҳақидаги сервитут мажбурияти.

30²-модда. Сервитут иштирокчиларининг ҳуқук ва мажбуриятлари

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари ҳамда сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс сервитут иштирокчилариdir.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан сервитутдан белгиланган мақсадда фойдаланишини талаб қилиш;

сервитут ҳақ эвазига белгиланган ҳолларда сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан ҳақнинг ўз вақтида тўланишини талаб қилиш;

сервитут муддати тугаганидан кейин ер участкасини белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли холатга келтиришни талаб қилиш;

сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс томонидан сервитутдан шартномада белгиланган мақсадларда фойдаланилмаган тақдирда шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш;

сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс сервитут учун белгиланган ҳақни (мавжуд бўлганда) мунтазам равища тўламаган тақдирда, шунингдек унда ўз худудига жамоат эҳтиёжлари учун мўлжалланган бошқа ер участкаси орқали ўтиш имконияти пайдо бўлган тақдирда, шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари:

сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс билан биргаликда сервитут тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиши;

сервитут тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсга ер участкасидан чекланган тартибда фойдаланиш имкониятини бериши;

сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсга сервигутдан белгиланган мақсадда фойдаланилишига тўсқинлик қилмаслиги;

ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда, уни лозим даражадаги ҳолатда сақлаш учун ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан ер участкасини тартибга келтириши, қўриқлаши, таъмирлаши ва унга бошқача тарзда хизмат кўрсатиши шарт.

Сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс қўйидаги хукуқларга эга:

ер участкасидан сервитут тўғрисидаги шартномада қўрсатилган мақсадларда чекланган тарзда фойдаланиш;

сервитут тўғрисидаги шартнома шартлари жиддий равишда бузилганда сервигут тўғрисидаги шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш;

сервигутдан фойдаланишда юзага келган тўсқинликларни бартараф этиш ва етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш.

Сервигут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс сервигут тўғрисидаги шартномага ва қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Сервигут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс:

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари билан биргаликда сервигут тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиши;

сервигутдан фақат сервигут тўғрисидаги шартномада белгиланган мақсадларда фойдаланиши;

сервигут учун ҳақни ўз вақтида тўлаб бориши (ҳақ белгиланган тақдирда);

ўз худудига жамоат эҳтиёжлари учун мўлжалланган бошқа ер участкаси орқали ўтиш имконияти пайдо бўлган тақдирда, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг биринчи талашибига кўра ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланишни тўхташи;

учинчи шахслар билан ер участкасига нисбатан сервигут тўғрисида шартнома тузиш ҳақида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорларидан хабарнома олинган тақдирда, шундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан ёзма шаклда жавоб бериши шарт.

30³-модда. Ер участкасига бўлган ҳукуқ бошқа шахсга ўтка-зилганда сервитутнинг сақланиши

Сервитут ер участкасига бўлган мулк, эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳукуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда ҳам сақланиб қолади.

Сервитут олди-сотди, хадя, гаров ва ижаранинг мустақил предмети бўлиши мумкин эмас, шунингдек уни сервитут белгиланган кўчмас мулкнинг ҳукуқ эгалари бўлмаган бошқа шахсларга бериш тақиқланади. Сервитут бошқа шахсларга фақат сервитут белгиланган ҳукуқ билан бирга берилиши мумкин.

30⁴-модда. Сервитутни бекор қилиш

Сервитут қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

сервитут иштирокчиларининг ўзаро келишувига кўра;

ер эгасининг, ердан фойдаланувчининг, ер участкалари ижарачиси ва мулкдорининг ёки сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахснинг асосланган талабига кўра;

сервитутдан узок муддат (камида уч йил) фойдаланилмагандан;

сервитутнинг амал қилиш муддати тугаганда;

агар сервитут белгилаш учун сабаб бўлиб хизмат қилган асослар ўз ахамиятини ўқотган бўлса;

қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра.

Сервитутни бекор қилиш тўғрисида сервитут иштирокчилари ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда, сервитут суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

30⁵-модда. Жамоат эҳтиёжлари учун ўзганинг ер участкаси-дан чекланган тарзда фойдаланиш ҳукуқи (оммавий сервитут)

Жамоат эҳтиёжлари учун ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳукуқи (оммавий сервитут) қўйидаги мақсадлар учун белгиланиши мумкин:

ушбу Кодекснинг 25-моддасига мувофиқ ўзганинг ер участкасида геология-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга ошириш;

ўзганинг ер участкасидан умумий фойдаланишдаги электр узатиш тармоқлари, алоқа линиялари ва бошқа линиялар, трубопроводлар, ички суғориш тармоқлари, мұхандислик тармоқлари ҳамда бошқа тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш.

Оммавий сервитут манфаатдор ташкилотларнинг мурожаатлари асосида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Ушбу моддада назарда тутилганидан бошқа мақсадларда, шунингдек, давлат мулки бўлмаган бино, иншоот ва кўп йиллик дов-дараҳтлар жойлашган ер участкаларига оммавий сервитут белгилаш тақиқланади.

Оммавий сервитут белгилаш тўғрисидаги қарор ер фонди тоифасидан

келиб чиққан ҳолда қўйидаги ташкилотлар билан мажбурий тартибда келишилиши керак:

сугориладиган ерларда — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан;

ўрмон фонди ерларида — ўрмон хўжалиги соҳасидаги ваколатли давлат органи билан;

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда — тегишли соҳалардаги маҳсус ваколатли давлат органлари билан.

Оммавий сервитут белгилаш хақидаги қарорда сервитут тўғрисидаги шартномада кўрсатилиши лозим бўлган барча шартлар кўрсатилиши керак. Бунда оммавий сервитут шартлари тарафларнинг келишувига кўра ёки улардан бирининг талабига кўра суд тартибида ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Оммавий сервитут белгилаш тўғрисидаги қарор сервитут белгиланган ер участкасида қурилиш-монтаж ишларини бошлаш, бинолар ва иншоотларни қайта қуриш, реконструкция қилиш хуқуқини бермайди.

Оммавий сервитут ушбу Кодексга мувофиқ, шунингдек оммавий сервитут белгилаш тўғрисидаги қарорнинг амал қилиш муддати тугаганда бекор қилинади.

30⁶-модда. Сервитут учун ҳақ тўлаш

Сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс, agar қонунда ёки сервитут тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сервитут учун ҳақ тўлаши шарт.

Сервитут учун ҳақ сервитут белгиланган ер участкаси учун ер солиғи (ижара ҳақи) суммасини, шунингдек сервитутдан фойдаланиш жараёнида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорларига етказилган заарни (бой берилган фойдани) компенсация қилиш мақсадида белгиланади.

Сервитут учун ҳақ тўлаш бир марталик ёки мунтазам тўлаб бориладиган кўп марталик тўлов тарзида амалга оширилиши мумкин.

Сервитут учун ҳақ миқдори сервитут белгиланган ер участкаси доирасида ёки у белгиланган чегаралар доирасида ҳисоблаб чиқарилади.

Ер участкасининг сервитут белгиланган муайян қисми учун ер солиғи (ижара ҳақи) ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари томонидан тўланади, бунда сервитут учун тўланадиган (бир марталик ёки доимий) ҳақ миқдори сервитут амал қиласидаги даврдаги ер солиғи (ижара ҳақи) суммасидан кам бўлиши мумкин эмас.

Қўйидаги ҳолларда сервитут ҳақ ундиrmасдан (текин) амалга оширилиши мумкин:

туннелларда автомобиль йўллари ёки темир йўллари қуриш, шунингдек автомобиль йўлларининг муҳофаза зоналаридан фойдаланиш мақсадида сервитут белгиланганда;

муҳандислик-техник жиҳатдан таъминлаш, тегишли техник-технологик уланиш ишларини амалга ошириш мақсадида сервитут белгиланганда»;

13) 36-модда:

биринчи қисмининг:

2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ер участкаси берилган муддат тугаганда, бундан ер участкасини ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳоллари мустасно»;

11-банди чиқариб ташлансин;

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) ер участкасига, шунингдек бинолар, иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи улар жойлашган ер участкалари билан бирга фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган тартибда бошқа шахсга ўтказилганда;

2) жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари, шунингдек бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулк улар жойлашган ер участкалари билан бирга қайта сотиб олинганда;

3) қонунда белгиланган ҳолларда ер участкалари, шунингдек бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулк улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганда;

4) қонунда белгиланган ҳолларда ер участкалари, шунингдек бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулк улар жойлашган ер участкалари билан бирга реквизиция қилинганда;

5) ижро хужжатлари бўйича ундирув ер участкасига қаратилганда»;

14) **37¹-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ушбу Кодекснинг 18-моддасида назарда тутилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **39-модда биринчи қисмининг 9-бандидаги** «қишлоқ хўжалигига мўлжалланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **41-модданинг бешинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасини, шунингдек бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулкни улар жойлашган ер участкаси билан бирга жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек уларни мусодара қилиш ва реквизиция қилиш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

17) **62-модда олтинчи қисмининг иккинчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бундай ҳолларда ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари қўлланилади»;

18) **68-модданинг бешинчи қисми** «ўзларида доимий фойдаланиш» деган сўзлардан кейин «ёки ижара» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

19) **82-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг» деган сўзлар «ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **85-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ер

эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар» деган сўзлар «ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 90-модда иккинчи қисмининг ўн учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер участкаларини бериш (реализация қилиш) бўйича очиқ электрон танловлар ва электрон онлайн-аукционларни ўтказишнинг белгиланган тартибини бузганликда».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Ипотека тўғрисида**»ги ЎРҚ-58-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 577-модда) **6-моддасининг биринчи қисмидаги** «юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари, шунингдек турар жойлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга» деган сўзлар «шунингдек юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрда қабул қилинган «**Автомобиль йўллари тўғрисида**»ги ЎРҚ-117-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 10, 472-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил № 7, 431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **22-моддасининг иккинчи қисмидаги** «вактинча фойдаланишга» деган сўзлар «ижрага» деган сўз билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 октябрда қабул қилинган «**Гаров реестри тўғрисида**»ги ЎРҚ-356-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 264-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 3-модданинг:

иккинчи хатбошиси «мол-мулкига» деган сўзлардан кейин «қонунда ва ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошиси «мол-мулки» деган сўзлардан кейин «ер участкасини ижрага олиш ҳуқуқи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздор — кредитор фойдасига мол-мулкни ёки ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пулни тўлаш ёки бузилиши кредиторнинг мажбуриятлар бажарилишини таъмин-

лаш воситаси сифатида қарздор бериб қўйган мол-мулкка ёки ер участкаси-ни ижарага олиш хуқуқига ундирувни қаратишга бўлган имтиёзли хуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган бошқа мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ҳаракатни содир этиши шарт бўлган юридик ёки жисмоний шахс»;

бешинчи хатбошиси «мол-мулкни» деган сўзлардан кейин «ер участка-сини ижарага олиш хуқуқини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 8-модданинг:

иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш (гаров) воситаси сифати-да қарздорлар бериб қўйган мол-мулкка ёки ер участкасини ижарага олиш хуқуқига нисбатан кредиторларнинг хуқуқлари, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа асослардан, шу жумладан ушлаб қолиш, лизинг, товарга бўлган мулк хуқуқини товарнинг ҳақи тўлангунга қадар сотувчидаги (креди-торда) сақлаб қолган ҳолда уни сотиш, келажакда муайян ҳодиса юз берган тақдирда мол-мулкка бўлган мулк хуқуқини, ер участкасини ижарага олиш хуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, тўловни кечиктирган ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда товарларни олиш-сотишдан юзага келадиган хуқуқлар тўғри-сидаги»;

учинчи хатбошиси «мол-мулкига» деган сўзлардан кейин «ер участка-сини ижарага олиш хуқуқига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 9-модда:

иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздорнинг мол-мулки, ер участкасини ижарага олиш хуқуқи ва кре-диторнинг бу мол-мулкка ёки ер участкасини ижарага олиш хуқуқига бўлган хуқуқлари тавсифи»;

тўртинчи қисми «мол-мулкига» деган сўзлардан кейин «шунингдек ер участкасини ижарага олиш хуқуқига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) 10-модда:

биринчи қисмининг иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг розилиги қарздорнинг идентификация маълумотлари, шу-нингдек кредиторнинг қайси мол-мулкка хуқуқи ёки ер участкасини ижа-рага олиш хукуқи бўлса, ўша мол-мулк ёки ер участкасини ижарага олиш хуқуқи кўрсатилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида ёки қофозда расмий-лаштирилади»;

иккинчи қисми «мол-мулкига» деган сўзлардан кейин «ер участкасини ижарага олиш хуқуқига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 12-модданинг биринчи қисми «хуқуқлари» деган сўздан кейин «ер участкасини ижарага олиш хуқуқи» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ-598-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси пала-таларининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 892-модда; 2021 йил, 4-сонга

илова; 2022 йил, № 6, 570-модда, № 12, 1190-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбоисидаги** «шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектларига бўлган мулк ҳуқуқини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **55-модданинг биринчи қисмидаги** «савдо ва хизмат кўрсатиш обьектларига, шунингдек турар жойларга ва турар жойлар жойлашган ер участкаларига бўлган ҳуқуқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралда қабул қилинган ЎРҚ-676-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 145-модда; 2022 йил, № 6, 570-модда, № 11, 1061-модда) 81-моддасига қўйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қўйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда сервิตутлар бинолар ва иншоотлар мулқдорларининг манфаатларини қўйидаги мақсадларда ўзга шахснинг ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини чекламасдан таъминлаш мумкин бўлмаган холларда белгиланади:

бинолар ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш;

муҳандислик инфратузилмаси обьектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш;

худудларда сув тошқинлари ва бошқа табиий оғатларнинг олдини олишга қаратилган ишларни олиб бориш;

ўзганинг ер участкаси орқали кесиб ўтиш;

бинолар ва иншоотлар эгаларининг бошқа эҳтиёжлари»;

биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлар тегишинча **иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги ЎРҚ-728-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1060-модда; 2022 йил, № 6, 577-модда) қўйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **10-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбоисидаги** «тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини» деган сўзлар «тадбиркорлик, шаҳарсозлик фаолиятини ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолиятни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модда биринчи қисми:**

иккинчи хатбоиси қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«фойдали қазилма конлари жойлашган ер участкалари, бундан захирала-

ри фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси хисобига олинмаган кенг тарқалган фойдали қазилмалар мустасно»;

учинчи хатбошисидаги «муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектларининг муҳофаза зоналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«қонунчиликка мувофик хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки обьектлари жойлашган ер участкалари;

шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қонунчиликда чекловлар ўрнатилган ҳудудлардан фойдаланиш зоналарида жойлашган ер участкалари»;

тўртинчи — еттинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **13-модданинг иккинчи қисми** куийидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, шунингдек давлат органлари, муассасалари, корхоналари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хусусийлаштириш субъектлари бўлмайди»;

4) **21-модданинг иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун» деган сўзлар «тадбиркорлик, шаҳарсозлик фаолиятини ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **26-модданинг иккинчи қисми** куийидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк обьектлари жойлашган ер участкалари мазкур кўчмас мулк обьектлари билан бирга электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштирилади»;

6) **27-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун» деган сўзлар «тадбиркорлик, шаҳарсозлик фаолиятини ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **28-модданинг учинчи қисмидаги** «мазкур обьектнинг ягона мулкий мажмуа сифатидаги қийматидан келиб чиқиб» деган сўзлар «мазкур кўчмас мулк обьектларининг бозор қийматини инобатга олган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **32-модданинг иккинчи хатбошиси** куийидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер участкасидан фойдаланишда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши»;

9) **34-модда** куийидаги таҳрирда баён этилсин:

«34-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасига мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасига мулк ҳуқуқи қуийидаги ҳолларда бекор қилинади:

ер участкасига, шунингдек бинолар, иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи улар жойлашган ер участкаси билан бирга фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган тартибда бошқа шахсга ўтказилганда;

жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари, шунингдек бинолар, иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк улар жойлашган ер участкалари билан бирга қайта сотиб олинганда;

қонунда белгиланган ҳолларда ер участкаси, шунингдек бинолар, иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара қилинганда;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда ер участкаси, бинолар, иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк улар жойлашган ер участкалари билан бирга реквизиция қилинганда;

ижро ҳужжатлари бўйича ундирув ер участкасига қаратилганда»;

10) 37-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келган тақдирда, ер участкасини реквизиция қилиш зарурати мавжуд бўлмаганда ер участкаси ушбу ҳолатларнинг амал қилиш даврида вақтинча фойдаланиш учун эгалланishi мумкин ва ер участкасининг мулқдорига унинг ҳуқуқлари вақтинча чекланганлиги муносабати билан етказилган заарларнинг ўрни қопланади.

Вақтинча эгалланган ер участкасини қайтаришнинг имкони бўлмаган тақдирда, унинг мулқдорига шу ер участкасининг бозор қиймати ва ер участкасини қайтариб беришнинг имкони йўқлиги муносабати билан етказилган бошқа заарларнинг ўрни қопланади».

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти ахоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 октябрь,
ЎРҚ-871-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

431 Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
25 июля қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 30 сентябрда
маъқулланган

Мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш, мазкур соҳаларда халқаро стандартларни тизимли равишда жорий этиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан метрология хизматларини кўрсатиш соҳасига хусусий секторни кенг жалб этиш ҳамда давлат ташкилотлари билан бир қаторда унинг ушбу соҳада фаол иштирок этиши учун кўпроқ имкониятлар бериш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўлчаш воситаларини қиёслаш хизматлари республика ижро этувчи хокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари хисобланмайдиган юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан кўрсатилишини, ўлчаш натижалари давлат ахамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан тасдиқланишини, шунингдек метрология текшируви ҳамда давлат метрология назорати функцияларининг ажратилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда

Ушбу Қонун метрология соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилишига ва фаол рақобат муҳити шакллантирилишига хизмат қиласи.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Метрология тўғрисида»ги 1004-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 7 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-614-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 4, 254-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 2, 106-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 7-модда:

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«метрологияга оид фаолият соҳасида республика ижро этувчи хокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради»;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2023 йил 27 октябрда эълон қилинган.

куйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўлчаш натижалари давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркмлари рўйхатини тасдиқлайди»;

2) 8-модданинг:

иккинчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати давлат метрология хизматидан, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларидан, шунингдек республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган юридик шахсларнинг метрология хизматларидан иборатdir»;

тўртинчи — еттинчи қисмлари куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузуридаги маҳсус ташкил этилган ҳамда аккредитация қилинган бўлинмалардан иборатdir.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган маҳсус ташкил этилган ҳамда аккредитация қилинган юридик шахслардан ва (ёки) улар ҳузуридаги бўлинмалардан (бундан бўён матнда юридик шахсларнинг метрология хизматлари деб юритилади) иборат.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари зарурат бўлган ҳолларда ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ҳамда метрология текширувани амалга ошириш учун ташкил этилади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларининг ҳамда юридик шахслар метрология хизматларининг ҳуқук ва мажбуриятлари давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомларда ўрнатилади»;

3) 9-модданинг:

олтинчи хатбошисидаги «текшируви ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

сакизинчи хатбошисидаги «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ён биринчи хатбошисидаги «давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ён бешинчи хатбошисидаги «давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 10-модданинг:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи** ва **учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

5) **12-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларининг ҳамда юридик шахслар метрология хизматларининг ваколатлари

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг метрология хизматлари:

аккредитация килинган ҳолда ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш ишларини бажаради;

ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари:

аккредитация килинган ҳолда ўлчаш воситаларини калибрлаш ҳамда ушбу Конуннинг 25-моддасида назарда тутилган ҳолларда ўлчаш воситаларини қиёслаш ишларини бажаради;

ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади»;

6) **4-бобнинг номидаги «Давлат метрология текшируви ва»** деган сўзлар **«Метрология текшируви ва давлат метрология»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **18-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18-модда. Метрология текширувани ва давлат метрология назоратини амалга ошириш

Метрология текшируви Ўзбекистон миллий метрология институти, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг метрология хизматлари ҳамда юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан ушбу Конунда белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

Давлат метрология назорати маҳсус ваколатли давлат органи томонидан метрология тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан текшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;

8) **19-модданинг номи ва биринчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Метрология текшируви ва давлат метрология назорати объектлари

Кўйидагилар метрология текшируви ва давлат метрология назорати объектларидир»;

9) **20-модданинг:**

номидаги «Давлат метрология текшируви ва» деган сўзлар **«Метрология текшируви ва давлат метрология»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Давлат метрология текшируви ва» деган сўзлар «Метрология текшируви ва давлат метрология» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Давлат метрология текшируви ва» деган сўзлар «Метрология текшируви ва давлат метрология» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **21-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21-модда. Метрология текшируви

Метрология текшируви ва давлат метрология назорати обьектларининг метрологик, техник тавсифларини аниqlаш ва (ёки) тасдиқлаш мақсадида метрология текшируви амалга оширилади.

Метрология текшируви:

ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлаш мақсадида синовдан ўтказиш; ўлчаш воситаларини ва ўлчашларни бажариш услубиётларини метрологик аттестациядан ўтказиш;

ўлчаш воситаларини, шу жумладан эталонларни қиёслаш, калибрлаш; синов воситаларини аттестациядан ўтказиш тарзида амалга оширилади»;

11) **23-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат метрология хизмати-нинг ваколатли органлари» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **25-модда:**

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўлчаш воситаларини қиёслаш аккредитация қилинган Ўзбекистон миллий метрология институти, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг метрология хизматлари, шунингдек ушбу модданинг бешинчи қисмida назарда тутилган ҳолларда юридик шахслар-нинг метрология хизматлари томонидан амалга оширилади»;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирил-син:

«Ўлчаш натижалари давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхати маҳсус ваколатли давлат органининг Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва ушбу ўлчаш воситалари қўлланиладиган соҳадаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўлчаш натижалари давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатига киритилмаган ўлчаш воситаларини қиёслаш юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан амалга оширилиши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида ту-шунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган
ўз норматив-ҳуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қили-
шларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой
ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 26 октябрь,
ЎРҚ-872-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

432 Авиация фаолиятини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий аҳоли ва сайдарни ички авиақатновларда ташишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида:

1. Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, «Uzbekistan Airways» АЖ ҳамда «Uzbekistan Airports» АЖ бошқарув органларининг:

«SILK AVIA» МЧЖ устав капиталидаги «Uzbekistan Airports» АЖнинг 100 фоиз улушини унинг брендини сақлаб қолган ҳолда «Uzbekistan Airways» АЖ таркибидаги «Uzbekistan Helicopters» МЧЖ устав капиталига ўтказиш;

«Uzbekistan Airports» АЖнинг 3 та «ATR72-600» русумли ҳаво кемасини «SILK AVIA» МЧЖга беғараз ўтказиш;

«SILK AVIA» МЧЖ фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш доирасида «ATR72-600» русумли ҳаво кемалари сонини ошириш;

«Uzbekistan Airways» АЖ таркибидаги «Uzbekistan Helicopters» МЧЖ зиммасига маҳаллий авиақатновларнинг сонини ошириш, парвозлар географиясини кенгайтириш, янги ўёналишларни йўлга қўйиш ҳамда «ATR72-600» русумли ҳаво кемалари паркини ривожлантириш вазифаларини юклаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансанки:

«Uzbekistan Airports» АЖнинг устав капиталидаги давлат улуси «SILK AVIA» МЧЖдаги улушнинг қолдик (баланс) қийматига камайтирилади ҳамда «Uzbekistan Airways» АЖдаги давлат улуси ва «Uzbekistan Airways» АЖнинг «Uzbekistan Helicopters» МЧЖдаги улуси ушбу қийматга оширилади;

«Uzbekistan Airports» АЖнинг устав капиталидаги давлат улуси «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Uzbekistan Airports» АЖ вакилларидан ташкил этилган ишчи гурӯҳ томонидан аниқланадиган «SILK AVIA» МЧЖга ўтказилаётган 3 та «ATR72-600» русумли ҳаво кемалари билан боғлиқ харажатлар суммасига камайтирилади;

мазкур қарорга асосан активларни бир ташкилотдан бошқа ташкилотга ўтказиш товарни реализация қилиш бўйича айланма сифатида эътироф этилмайди ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган бепул товар берилишига тенглаштирилади;

«Uzbekistan Airports» АЖ ва «Ўзмиллийбанк» АЖ ўртасида имзоланган

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 октябрда эълон килинган.

кредит шартномаси асосида тўланган 13,62 миллион АҚШ долларининг (12,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги асосий қарз ва 1,12 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит фоизи) сўмдаги эквивалентига тенг миқдорда «Uzbekistan Airports» АЖнинг 2022 йил якунига кўра олган соф фойдасидан Давлат бюджетига тўлаши лозим бўлган дивидендлари уч йил давомида тенг улушларда бўлиб тўланишига рухсат берилади, бунда кечикирилган дивиденд суммаси Марказий банкнинг тўлов кунидаги курсида ҳисобга олинади.

3. Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

«Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан «Uzbekistan Airports» АЖга З та «ATR72-600» русумли ҳаво кемасини харид қилиш учун берилган 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитнинг тегишли қисмини «Uzbekistan Airways» АЖга кредит шартларини қайта кўриб чиқсан ҳолда қайта расмийлаштириш;

«Uzbekistan Airports» АЖнинг гаров таъминоти сифатида тақдим этилган кўчмас мулкини гаровдан чиқариб, З та «ATR72-600» русумли ҳаво кемаси учун ажратилган кредит қийматининг 125 фоизи миқдоридаги «Uzbekistan Airways» АЖнинг мулки ҳамда харид қилинаётган ҳаво кемаларини гаров таъминоти сифатида тақдим этиш;

асосий қарз, фоизлар, комиссия ва бошқа тўловлар билан боғлиқ келгусидаги харажатларни «Ўзмиллийбанк» АЖ билан имзоланган кредит шартномасида кўрсатилган миқдордан келиб чиқсан ҳолда, «SILK AVIA» МЧЖ ҳамда «Uzbekistan Airways» АЖ ҳисобидан тўлаш;

«Uzbekistan Airways» АЖ ва «Uzbekistan Airports» АЖ вакилларидан ташкил этилган ишчи гурух томонидан «Uzbekistan Airports» АЖнинг «SILK AVIA» МЧЖ бўйича тузилган барча шартномалари ва молиявий харажатларини хатловдан ўтказиб, ушбу хатлов асосида аниқланган шартномалар бўйича «Uzbekistan Airways» АЖни «Uzbekistan Airports» АЖнинг ҳуқуқий вориси этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Транспорт вазирлиги аҳоли ва хорижий сайёхларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиқиб, худудларни ўзаро боғлаш мақсадида талаб юкори бўлган худудларни аниқлаб, уларда авиақатновлар сонини ошириш ва ўналишларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ҳар йили бир марта ички авиақатновлар ўналишларини қайта кўриб чиқсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

бир ой мuddатда «Uzbekistan Airports» АЖнинг «SILK AVIA» МЧЖдаги 100 фоиз улуши «Uzbekistan Helicopters» МЧЖга ўтказилишини ҳамда мазкур қарорга мувофиқ жамиятлар устав капиталлари ўзгартирилишини;

«Uzbekistan Airways» АЖнинг соф фойдасидан давлат улушкига ҳисобланадиган дивидендларни мазкур қарорга мувофиқ жамиятга расмийлаштириладиган кредитни қайтариш учун ўналтириш ва мазкур дивидендлар ҳисобидан жамият устав фондидаги давлат улушкини ошириш масаласи жамият бошқарув органларида кўриб чиқилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги «Республикада маҳаллий авиақатновларни ривожлантиришга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-412-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.

Қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 16 октябрь,
ПҚ-337-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 16 октябрдаги
ПҚ-337-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил
26 октябрдаги «Республикада маҳаллий авиақатновларни
ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги
ПҚ-412-сон қарорига киритилаётган ўзгаришлар**

1. 5-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. «Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан «Uzbekistan Airways» АЖга 50,0 млн АҚШ доллари миқдорида ажратиладиган кредит бўйича:

«Uzbekistan Airways» АЖнинг 3 та «ATR72-600» русумли ҳаво кемалари учун ажратилган кредит қийматининг 125 фоизи миқдоридаги мулки ҳамда харид қилинаётган ҳаво кемалари гаров таъминоти сифатида тақдим этилади;

асосий қарз, фоизлар, комиссия ва бошқа тўловлар билан боғлиқ харатжатлар «Ўзмиллийбанк» АЖ билан имзоланган кредит шартномасида кўрсатилган миқдордан келиб чиқсан ҳолда, «SILK AVIA» МЧЖ ҳамда «Uzbekistan Airways» АЖ ҳисобидан қопланади».

2. 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «билин биргаликда» сўзлари «билин биргаликда 2023 йил якунига қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

433

**Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада та-
комиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-
сида***

Республика истеъмолчиларини тоза ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ҳамда оқова сув хизматларини яхшилаш борасида кўрилаётган изчилини жадаллаштириш, ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари қамровини ошириш, соҳанинг трансформация жараёнини жадаллаштириш ҳамда корхоналарнинг молиявий-иктисодий аҳволини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориши соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

ичимлик сувни ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача бўлган самарали тизимни жорий этиш, ичимлик сувни ҳисобга олиш, сув ҳисоблагичларни тўлиқ ўрнатиш ва йўқотишларни камайтириш, соҳани рақамлаштириш, узлуксиз, сифатли ва хавфсиз хизмат қўрсатилишини таъминлаш;

тизимдаги ташкилотлар молиявий ва иқтисодий функцияларини мустақил бажаришини кўзда тутган ҳолда корпоратив бошқарув тизимини тудан яхшилаш;

соҳада жозибадор инвестиция муҳитини яратиш орқали ичимлик сувни тарқатиш жараёнларида давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий қилиш, соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш;

мавжуд сув иншоотлари ва тармоқларига ҳамда якуний истеъмолчиларга сув ҳисоблагичларни ўрнатиш орқали сув ҳажми устидан тўлиқ назорат ўрнатиш, соҳада энергия тежовчи технологияларни ва қайта тикланувчи манбаларни кенг жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш таннархи ва харажатларини камайтириш;

ичимлик сув таъминоти корхоналарининг операцион самарадорлигини ошириш, дебитор ва кредитор қарздорликларни қисқартириш бўйича тизимили ишларни йўлга қўйиш орқали уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш;

тариф сиёсатини капитал қўйилмалар ва активларни стратегик бошқарниш билан узвийлигини таъминлаган ҳолда, илфор хорижий тажрибага асосланиб такомиллаштириш ҳамда шу орқали соҳани босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш;

истеъмолчиларнинг тўлов интизомини мустаҳкамлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича жамоатчилик кампанияларини амалга ошириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, соҳада қўлланилаётган нормативлар ва стандартларни замонавий талаблар асосида янгилаш.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўйи

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 31 октябрда эълон қилинган.

жалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Ўзсувтатъминот» АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар негизида 2024 йил 1 апрелга қадар алоҳида йўналишлар бўйича қўйидаги акциядорлик жамиятларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

ичимлик сувни ишлаб чиқариш ва магистрал тармоқлар орқали сув етказиб бериш ҳамда сувни ишлаб чиқариш ва магистрал тармоқлар билан боғлиқ бўлган сув объектларини ривожлантириш, шунингдек, эксплуатация қилишни таъминлаш бўйича акциядорлик жамияти шаклида ҳудудий магистрал сув таъминоти ташкилотлари;

ичимлик сув тармоқлари (магистрал тармоқлардан ташқари) орқали ва (ёки) транспортда истеъмолчиларга сув етказиб бериш, оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш, тегишли тармоқларни ҳамда оқова сув тизимларини ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўйича акциядорлик жамияти шаклида Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий ичимлик сув таъминоти ташкилотлари (кейинги ўринларда — ҳудудий ичимлик сув таъминоти ташкилотлари).

Мазкур банд билан ташкил этилаётган акциядорлик жамиятларининг акциядори этиб холдинг сифатида «Ўзсувтатъминот» АЖ белгилансан.

3. «Ўзсувтатъминот» АЖга ўзининг таркибидаги ташкилотларга мақсадли операцион моделни тасдиқлаш, тарифлар сиёсатини ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисоби, молия, менежмент, рақамлаштириш, харидлар, кадрлар малакасини ошириш ва бошқа йўналишларда хизмат кўрсатиш вазифалари юклансин.

4. Белгилансинки 2024 йил 1 январдан бошлаб:

ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар маҳсулот таннархига киритилган харажатлар, жорий харажатлар, тизим объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш харажатлари, молиявий харажатлар, соликлар (сувнинг технологик жиҳатдан нормативдан юқори даражада сарфланганлиги ва ўқотилганлиги учун соликлардан ташқари) ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, «Ўзсувтатъминот» АЖнинг сақлаш харажатлари ҳамда ташкилотларнинг рентабеллик даражасидан келиб чиқкан ҳолда шакллантирилади;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган тарифлар мазкур банднинг иккинчи хатбохисида назарда тутилган харажатлардан кам белгиланган тақдирда, улар ўртасидаги тафовут давлат буюртмаси асосида Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

5. Қўйидагилар:

Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини таомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини трансформация қилиш жараёнларини тезлаштириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи ишчи гурухи таркиби 2-иловага* мувофиқ;

* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ўзсувтаъминот» АЖ таркибига кирувчи айрим хўжалик жамиятлари ва корхоналарни қайта ташкил этиш механизmlари З-иловага* мувофиқ;

Республикадаги ичимлик сув таъминоти оғир бўлган маҳаллаларнинг 2024 — 2026 йилларда ичимлик сув таъминотини яхшилаш дастури 4-иловага* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда республика худудларида ичимлик сув тармоқларини уй хўжалигигача етказиш бўйича чора-тадбирлар дастури 5-иловага* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда давлат ижтимоий буюртмаларини бериш орқали ичимлик сув таъминоти йўлга қўйиладиган аҳоли яшаш пунктлари рўйхати 6-иловага* мувофиқ;

«Ўзсувтаъминот» АЖ томонидан халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига 2024 — 2026 йилларда ахолини ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминлаш дастури 7-иловага* мувофиқ;

Марказлашган сув таъминоти қамрови даражаси паст бўлган туманларда 2024 — 2026 йилларда ичимлик сув тизимларини ривожлантириш дастурининг йиғма параметрлари 8-иловага* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда истеъмолчиларга ичимлик сув учун ҳисоблачиларни ўрнатиш режа-жадвали 9-иловага* мувофиқ;

2024 йилда «Ўзсувтаъминот» АЖ тизим корхоналари объектларида қўёш панелларини ўрнатиш режа-жадвали 10-иловага* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда «Ўзсувтаъминот» АЖ тизим корхоналари объектларидаги мавжуд насосларни энергия тежамкор насосларга алмаштириш режа-жадвали 11-иловага* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда «Ўзсувтаъминот» АЖ таркибидаги лабораторияларнинг моддий-техника базасини яхшилаш дастури 12-иловага* мувофиқ;

«Ўзсувтаъминот» АЖ ва унинг тизим корхоналарига ўтказиладиган ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими объектлари рўйхати 13-иловага* мувофиқ;

«Ўзсувтаъминот» АЖ корхоналарининг «Худудий электр тармоқлари» АЖга ўтказиладиган нимстанциялари рўйхати 14-иловага* мувофиқ;

«Ўзсувтаъминот» АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотларни трансформация қилиш жараёнидаги алоҳида қоидалар 15-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, мазкур қарорга 5-иловада кўрсатилган тадбирлар учун талаб қилинадиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва «Ўзсувтаъминот» АЖ томонидан тенг улушларда ажратилади.

6. Вазирлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, «Ўзсувтаъминот» АЖ, Бухоро, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил 1 июлдан бошлаб тажриба тариқасида Когон, Ширин, Янгиер, Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимлари-

* 3 — 14-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** 15-илова берилмайди.

нинг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий секторга берилишини таъминласин.

7. Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов Вазирлик, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, «Ўзсувтаъминот» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимлклари билан биргаликда:

Давлат бюджети ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган ичимлик ва оқова сув йўналишидаги лойиҳалар бўйича техник топшириқ шартларини ишлаб чиқиша энг мақбул техник ечимлар, ўзиқар усули, замонавий энергия тежамкор материаллар ва технологиялар кенг қўлланишини ҳамда ҳар бир лойиҳа қийматидан ортиқча харажатлар чиқариб ташланишини доимий равишда таъминлаб борсин;

2023 йил якунига қадар давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган ичимлик ва оқова сув йўналишидаги лойиҳаларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг кенг жамоатчилик билан муҳокама қилинишини ва қиймати мақбуллаштиришини таъминласин.

8. Белгилансинки, 2024 йил 1 февралдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ичимлик ва оқова сув йўналишидаги лойиҳалар доирасида қурилиш материаллари, ускуна ва жиҳозлар 16-иловага* мувофиқ факат маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинади.

9. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ:

а) Давлат бюджети ва давлат томонидан жалб қилинган барча маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган ичимлик ва оқова сув йўналишидаги лойиҳалар «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан мажбурий равишда экспертизадан ўтказилади;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

ичимлик сув таъминоти ва оқова сув соҳасида инвестиция лойиҳа таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларида муҳокама қилинишидан олдин маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари томонидан ҳудудий ичимлик сув таъминоти ташкилотлари билан биргаликда жойларга чиқкан ҳолда тегишли аҳоли пунктларининг фаоллари билан муҳокама қилинади;

муҳокама қилинган ва розилик берилган лойиҳа таклифлари бўйича маълумотлар (ажратилган маблағлар миқдори, ишлар режа-жадваллари, техник хужжат ва ишларни олиб бориш бўйича ҳисоботлар) доимий равишда ҳудудий ичимлик сув таъминоти ташкилотлари томонидан ижтимоий тармоқларда тегишли аҳоли пунктларининг фаоллари билан биргаликда лойиҳа учун очиладиган маҳсус порталда жойлаштириб борилади;

в) ҳар бир лойиҳанинг бажарилиши ҳолати мунтазам равишда тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари томонидан жойларга чиқкан ҳолда тегишли аҳоли пунктининг фаолларини жалб қилган ҳолда мониторинг қилинади;

г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ичимлик сув таъминоти обьектларига энергия те-

* 16-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жовчи ускуналарни ўрнатиш ҳамда ичимлик сув ишлаб чиқарувчи, сувни магистрал ва бошқа тармоқлар орқали етказиб берувчи ташкилотларга маҳсус техникалар харид қилиш учун йилига 100 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилади;

д) Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилган ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳалари учун ажратиладиган ерларнинг ер фонди тоифасини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар барча ваколатли органлар томонидан устувор равиша 3 кун ичida кўриб чиқилади;

е) 2024 йил 1 январдан бошлаб янги қуриладиган ичимлик ва оқова сув йўналишидаги обьектлар ва тизимларни лойиҳалаштиришда мазкур ҳудуднинг тўлиқ қамров даражасини инобатга олиш талаби ўрнатилади;

ж) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб барча лойиҳаларда ичимлик ва оқова сув иншоотлари ҳамда тармоқларидаги сув ҳисобини рақамлаштириш бўйича ечимлар, сув иншоотлари ва тармоқларига сув ҳисоблагичларини ўрнатиш, ичимлик сув тармоқларини аҳоли хонадонларигача етказиб беришда ушбу хонадонларни ягона биллинг тизимига улаган ҳолда ҳисоблагичлар ўрнатишини акс эттириш мажбурий ҳисобланади.

10. Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзсувтаъминот» АЖ-нинг ҳудудий сув таъминоти ташкилотлари кузатув кенгаши таркибиға Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини киритиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудудий сув ишлаб чиқариш, сув таъминоти ҳамда магистрал тармоқлар ташкилотларининг моддий-техника базасини яхшилаш ва ривожлантириш учун ушбу ташкилотларнинг маҳсус мақсадли банк ҳисобварақларига маблағларни йўналтириш ёки мазкур маблағлар ҳисобидан харид қилинган мол-мулкларни уларга бепул ўтказишга рухсат берилсан.

Бунда, ушбу маблағлар ва мол-мулклар «Ўзсувтаъминот» АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида киритилади ва тегишлилиги бўйича таркибидаги ташкилотларнинг устав капиталидаги «Ўзсувтаъминот» АЖ улуши оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни бир ой муддатда мазкур қарор қабул қилингунга қадар «Ўзсувтаъминот» АЖ таркибидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини яхшилаш учун харид қилинган мол-мулкларнинг ушбу ташкилотларга ўтказилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув соҳасидаги қўшимча вазифалари 17-иловага мувофиқ тасдиqlансин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда «Ўзсувтаъминот» АЖ билан биргаликда 2024 йилда соҳада сув сарфи ҳисобини тартибга солиш, йўқотишлар даражасини камайтириш,

мавжуд тармоқларнинг рақамли харитаси ва активларни бошқариш тизимини жорий этиш ҳамда соҳада «яшил иқтисодиёт» кўламини кенгайтириш бўйича лойиҳани амалга ошириш мақсадида Осиё тараққиёт банкининг камидаги 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағлари жалб қилинишини таъминласин.

13. Белгилансинки:

«Ўзсувтаъминот» АЖ томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида товар, иш ва хизматларни сотиб олиш бўйича тасдиқланган харид комиссияси таркибига тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг камидаги 2 нафар вакили киритилади;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари устувор равишда комплекс ёндашув асосида алоҳида ҳудудларни ичимлик сув таъминоти ва туман марказларини оқова сув хизмати билан тўлиқ қамраб олиш, йирик сув ҳамда оқова сув объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинади;

«Ўзсувтаъминот» АЖнинг давлат улуши бўйича акциядор функцияси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади;

«Ўзсувтаъминот» АЖнинг ҳудудий магистрал сув таъминоти ташкилотлари хусусийлаштирилмайди;

автомобиль ўйлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда мавжуд ичимлик ва оқова сув тизимларини кўчириш ёки қайта тиклаш билан боғлиқ ишлар ўйл қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларида кўзда тутилади.

14. Халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳалар доирасида харид (импорт) қилинадиган (етказиб бериладиган) маҳсус техникалар, ускуналар ва транспорт воситалари 2027 йил 1 январга қадар утилизация йифимидан озод этилсин.

15. «Ўзсувтаъминот» АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг 18-иловага* мувофиқ қарздорликларини кечикириш, реструктуризация қилиш ва ҳисобланган пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги «Ўзсувтаъминот» АЖ ҳамда унинг тизим ташкилотлари томонидан жалб қилинган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари қарзлари ва кредитларининг қайтирилишида уларнинг етишмаган қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 19-иловага мувофиқ 2024 йил 1 январдан эътиборан ўзгартиришлар киритилсин.

18. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Қўйидагиларга:

* 18-илова берилмайди.

Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматовга — «йўл харитаси» ва мазкур қарорга иловаларда белгиланган чора-тадбирлар ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишининг мувофиқлаштирилиши, шу жумладан аввалги йиллардан ўтиб келаётган обьектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш, ичимлик ва оқова сув обьектларига ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланган ҳолда обьектлар қурилиш ишлари таннархини арzonлаштириш юзасидан;

Бош вазир ўринбосари Д.А. Кучкаровга — «йўл харитаси» ва мазкур қарорга иловаларда белгиланган чора-тадбирларга, шу жумладан ижтимоий буюртма асосида амалга ошириладиган, энергия тежамкор ускуналарни ўнташиб ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа дастурлар доирасида ичимлик ва оқова сув обьектларига Давлат бюджетидан зарур маблағларнинг белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда ажратилиши юзасидан;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаевга — халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳамда бошқа кредит муассасалари маблағлари ҳисобидан ичимлик ва оқова сув обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар учун хорижий инвестиция ва имтиёзли кредит маблағларнинг белгиланган муддатларда жалб этилиши юзасидан;

Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари, Республика мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи раҳбари А.М. Бобоевга — ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини трансформация қилиш жараёнлари мувофиқлаштирилиши, соҳа корхоналарининг молиявий ва иқтисодий барқарор фаолиятини таъминлаш бўйича амалий чоралар қўрилиши, жалб қилинган халқаро молия институтлари маблағларини ўзлаштириш ҳолатининг мониторинг қилиниши, бу борадаги муаммоларни аниқлаш ҳамда тезкор ҳал этиш чоралари қўриб борилиши юзасидан;

«Ўзсувтаъминот» АЖ бошқаруви раиси в.б. Д.С. Азимовга — белгиланган чора-тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши, соҳага энергия тежамкор ҳамда илғор рақамли технологиялар жорий этилиши, ичимлик ва оқова сув обьектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари таннархининг камайтирилиши, қамров ва сув сифати даражаси ошириб борилиши, лабораторияларнинг жиҳозланиши, сув йўқотишларининг камайтирилиши, кадрларни тайёрлаш, ичимлик ва оқова сув таъминоти соҳасига оид норматив-хуқуқий база такомиллаштирилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Д.А. Кучкаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 24 октябрь,
ПҚ-343-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 24 октябрдаги
ПҚ-343-сон қарорига
17-ИЛОВА

**Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ичимлик сув
таъминоти ва оқова сув соҳасидаги
Қўшимча ВАЗИФАЛАРИ**

1. Ўз ҳудудидаги сув таъминоти ва оқова сув соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишдан бошлаб ўз вақтида ишга туширишгача жавобгар ҳисобланади.

2. Ҳудудий сув ишлаб чиқариш ва сув таъминоти ташкилотлари мөддий-техник базасини ва молиявий ҳолатини яхшилаш, шу жумладан, дебитор ва кредитор қарздорлигини қисқартиришга ҳамда истеъмолчиларга ҳисоблагичлар ўрнатиш параметрларининг бажарилишига шахсан масъул ҳисобланади.

3. Ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар маҳсулот таннархига киритилган харажатлар, тизим обьектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш, молиявий харажатлар, солиқлар (сувнинг технологик жиҳатдан нормативдан юқори даражада сарфланганлиги ва йўқотилганлиги учун солиқлардан ташқари) ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, «Ўзсувтаъминот» АЖнинг сақлаш харажатлари ҳамда ташкилотлар рентабеллик даражасидан келиб чиқсан ҳолда тарифларнинг жорий этилишини ҳамда ҳар йили камида бир марта қайта кўриб чиқилишини таъминлайди.

4. Халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларни кўриб чиқади ва маблағларнинг иқтисод қилинишини таъминлайди.

5. Туман ва маҳаллаларнинг ичимлик сув ва оқова сув обьектларини давлат-хусусий шериклик асосида бериш бўйича таклифларни «Ўзсувтаъминот» АЖ билан биргаликда ишлаб чиқади ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига киритади;

6. Ҳудудий сув ишлаб чиқариш ва сув таъминоти ташкилотлари иншоот ва обьектларида энерготежамкор ускуналарни ҳамда муқобил энергия манбаларини ўрнатиш орқали ишлаб чиқариш харажатлари камайтирилишини таъминлайди.

7. Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда «Ўзсувтаъминот» АЖ тизим корхоналарининг туман (шаҳар) бўлимларини бино билан таъминлайди.

8. Амалга оширилган чораларнинг дастлабки, оралиқ ва якуний натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашига ҳар чоракда ҳисобот бериб боради.

9. Ҳудудий сув ишлаб чиқариш ва сув таъминоти ташкилотлари томо-

нидан фаолиятига хос бўлмаган барча хизматлар фақат ҳақ эвазига амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 24 октябрдаги
ПҚ-343-сон қарорига
19-ИЛОВА

**2024 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси
Президентининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2900-сон қарорининг 7-бандида:
бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;
олтинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансан.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4040-сон қарори 17-бандининг иккинчи хатбошиси ва «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
 ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ
 ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИФИНИНГ
 БҮЙРУГИ**

434 Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сон қарори (рўйхат рақами 2034, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 йил, 45-сон 492-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Департамент бошлиғи

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
 2023 йил 28 сентябрь,
 37-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 октябрда эълон қилинган.

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2023 ийл 14 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш департаменти
бошлигининг 2023 йил 28 сентябрдаги
37-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ
бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички
назорат қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган опера-
цияларни амалга оширувчи шахслар тайинланган масъул шахс ҳақидаги
маълумотларни ҳар йили 15 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Иқти-
солиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асилик даражаси назорати
инспекцияси (бундан бўён матнда Асилик инспекцияси деб юритилади) ва
махсус ваколатли давлат органига тақдим этишлари шарт.

Масъул шахс ўзгарган тақдирда, бу ҳақда қимматбаҳо металл ва қим-
матбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахс
уч иш куни мобайнида Асилик инспекциясини ва маҳсус ваколатли давлат
органини хабардор қилиши лозим.»

2. 7-банднинг олтинчи хатбошисидаги «палатаси» деган сўз «инспекция-
си» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 10-банддаги «палатаси» деган сўз «инспекцияси» деган сўз билан ал-
маштирилсин.

4. 17³-банднинг учинчи хатбошисидаги «палатаси» деган сўз «инспекция-
си» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 26¹-банддаги «палатаси» деган сўз «инспекцияси» деган сўз билан ал-
маштирилсин.

6. 27-банддаги «палатаси» деган сўз «инспекцияси» деган сўз билан ал-
маштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИГ
БҮЙРУГИ

435 Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиликарининг хизмат-жанговар, ижтимоий-хуқуқий, ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3464*

Ўзбекистон Республикасининг «Кўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Конунинг 8-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиликарининг хизмат-жанговар, ижтимоий-хуқуқий, ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмондон

Р. ДЖУРАЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 сентябрь,
250-сон

Келишилди:

**Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири**

Б. МУСАЕВ

2023 йил 14 сентябрь

**Мактабгача ва мактаб
таълими вазири**

Х. УМАРОВА

2023 йил 14 сентябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 октябрда эълон қилинган.

Рақамли технологиялар вазири Ш. ШЕРМАТОВ

2023 йил 12 сентябрь

*Олий таълим, фан ва
инновациялар вазири*

И. АБДУРАҲМОНОВ

2023 йил 9 сентябрь

Транспорт вазири

И. МАҲКАМОВ

2023 йил 19 сентябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИНОЯТОВ

2023 йил 15 сентябрь

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

2023 йил 13 сентябрь

*Курилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги вазири*

Б. ЗАКИРОВ

2023 йил 15 сентябрь

Энергетика вазири

Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2023 йил 12 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил
28 сентябрдаги 250-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий
коровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг
хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий
ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий коровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш — давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўз обьектларини қўриқлаш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури;

идоравий қоровуллик — давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ўз обьектларини қўриқлаш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган таркибий бўлинмаси томонидан ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юклатилган алоҳида ходими томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиси ва хизматчиси (бундан буён матнда ишчи ва хизматчи деб юритилади) — идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг қўриқлаш фаолиятини бошқариш, назорат қилиш ва амалга ошириш вазифалари ўз зиммасига юклатилган ишчиси ва хизматчиси;

қўриқланадиган объект — белгиланган тартибда қўриқлашга олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари, иншоотлари, уларнинг ҳудудлари, жойнинг участкалари, транспорт воситалари, транспортда ташиладиган юклари, пул маблағлари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулки, шунингдек жисмоний шахс;

хизмат-жанговар тайёргарлик — ишчи ва хизматчиларни махсус ўқув дастурларига асосан махсус-тактик тайёргарлик, ўқ отиш тайёргарлиги,

муҳандислик тайёргарлиги, тиббий тайёргарлик ва саф тайёргарлиги бўйича ривожлантиришга қаратилган касбий тайёргарлик тури;

ижтимоий-ҳуқуқий тайёргарлик — ишчи ва хизматчиларни мутаҳассислик тайёргарлиги ва ҳуқуқий тайёргарлик бўйича ривожлантиришга қаратилган касбий тайёргарлик тури;

ахлоқий-рухий тайёргарлик — ишчи ва хизматчиларда уларнинг хизмат фаолияти давомида 5 юксак маънавий, рухий ва профессионал сифатларини такомиллаштиришга қаратилган касбий тайёргарлик тури;

жисмоний тайёргарлик — мазкур Низомнинг 1-иловасида* назарда тутилган спорт турларидан фойдаланган ҳолда, қўриқлаш фаолиятига оид вазифаларни бажариш учун ишчи ва хизматчиларнинг чидамлилиги ва эпчилигини таъминлашга қаратилган касбий тайёргарлик тури.

2. Ишчи ва хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариши учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларни оширишга, чидамлилик ва эпчилликни таъминлашга қаратилган хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-рухий ва жисмоний тайёргарлик машғулотларини (бундан бўён матнда касбий тайёргарлик машғулотлари деб юритилади) ўз ичига олади.

**2-боб. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда
идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва
хизматчиларининг касбий тайёргарлик машғулотларини
амалга ошириш тартиби**

3. Касбий тайёргарлик машғулотлари таркибида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровуллик бўлинмалари бўлган давлат бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки бошқа ташкилотлар раҳбарининг (бундан бўён матнда обьект раҳбари деб юритилади) буйруғи (фармойиши) асосида ташкил этилади.

4. Касбий тайёргарлик машғулотларини ташкил этиш учун унга масъул этиб белгиланган шахс томонидан обьект раҳбарига мазкур машғулотлар бошланишидан ўн кун олдин ушбу Низомнинг З-бандида назарда тутилган буйруқ (фармойиш) лойиҳаси тайёrlанган ҳолда тақдим этилади.

Бунда, обьект раҳбари томонидан мазкур буйруқ (фармойиш) касбий тайёргарлик машғулотлари бошланишидан уч кун олдин тасдиқланиши зарур.

5. Обьект раҳбари томонидан тасдиқланган буйруқда (фармойиша) касбий тайёргарлик машғулотларини ташкил этиш учун масъуллар, ушбу машғулотларни ташкил этиш куни, жойи, вақти, ким томонидан ўтказилиши белгиланади.

6. Касбий тайёргарлик машғулотлари икки ўқув босқичида ўтказилади:
биринчи ўқув босқичи январь — май ойларида;
иккинчи ўқув босқичи июль — ноябрь ойларида.

Июнь ва декабрь ойи янги ўқув босқичига тайёргарлик ойлари ҳисобланади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчилари учун касбий тайёргарлик машғулотлари қўйидаги миқдорларда белгиланади:

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларида — ойига 8 академик соат (ўқув йилида 80 академик соат);

идоравий қоровуллик бўлинмаларида — ойига 4 академик соат (ўқув йилида 40 академик соат).

8. Касбий тайёргарлик машғулотлари назарий, амалий, мустақил тайёргарлик ва синовларни қабул қилиш каби ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда обьект ҳудудида ва (ёки) дала-ўқув полигонларида ташкил этилади.

9. Касбий тайёргарлик машғулотлари жараённида гурухдаги ишчи ва хизматчиларнинг сони 25 нафардан ошмаслиги лозим.

10. Касбий тайёргарлик машғулотлари обьект раҳбари томонидан тасдиқланган буйруқда (фармойишда) масъул этиб белгиланган мутахассислар томонидан ўтказилади.

Бунда, касбий тайёргарлик машғулотларига шартнома асосида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг педагог кадрлари ва мутахассислари жалб этилиши мумкин.

11. Касбий тайёргарлик машғулотларини ташкил этиш учун масъул этиб белгиланган мутахассисларнинг вазифалари қўйидагилардан иборат ҳисобланади:

ўқув жараёнини режалаштириш ва ишлаб чиқиша қўл остидаги ишчи ва хизматчиларга вазифаларни тақсимлаб бериш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ўқув жараёнини ташкил этиш учун маълумотлар ва маърузалар ресурсларини шакллантириш ҳамда янгилашибориши;

касбий тайёргарлик машғулотлари гурухлар таркибида ва маҳсус тактик машқлар ўқув режалари ҳамда дастурларига асосан ўтказилиб, ўқув гурухи журнallарини тўғри юритилишини назорат қилиш;

ўқув-моддий базани яхшилаш ва талаб даражасида саклаб туришга раҳбарлик қилиш;

касбий тайёргарлик машғулотларини ўтказишида хавфсизлик қоидалари ҳамда талабларининг бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

12. Ишчи ва хизматчилар касбий тайёргарлик машғулотлари билан тўлиқ қамраб олинади.

Хизматда, меҳнат таътилида бўлган, касаллик варақаси бўйича ишда бўлмаган ёки бошқа узрли сабаблар билан (яқин қариндошларининг вафоти, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлиши сабабли) қатнашмаган ишчи ва хизматчилар учун қўшимча машғулотлар ташкил этилади.

Бунда, обьект раҳбари томонидан ишчи ва хизматчилар учун қўшимча машғулотлар улар ўз хизмат фаолиятини бошлаган кундан эътиборан ўн кун ичига ташкил этилиши керак.

**3-боб. Касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов
имтиҳонларини ўтказиш тартиби**

13. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонларидан (бундан буён матнда синов деб юритилади) ўтказилади.

Синов касбий тайёргарлик машғулотларининг иккинчи ўқув босқичи якунида ўтказилади.

14. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари учун касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонларини ўтказиш мазкур бобда белгиланган тартибда ўтказилади.

Бунда, идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари учун касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонларини ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 ноябрдаги 630-сон қарори билан тасдиқланган Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг касбий тайёргарлигини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

15. Синовни ўтказиш ва баҳолаш таркибida идоравий қоровуллик бўлинмалари бўлган объект раҳбарининг буйруғи билан ташкил этилган комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Бунда, комиссия обьект раҳбарининг камида беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда ташкил этилади.

16. Комиссия томонидан касбий тайёргарлик машғулотларининг иккинчи ўқув босқичи якунига етказилган куннинг ўзида синов ўтказиладиган вақт ва жой ҳакида ишчи ва хизматчиларни хабардор қиласи.

17. Синовлар қўйидагилар бўйича ўтказилади:

жисмоний тайёргарлик бўйича (эркак жинсидаги ишчи ва хизматчилар учун тўсинда тортилиш, аёл жинсидаги ишчи ва хизматчилар учун куч ишлатиш машқлари, шунингдек уларнинг иккаласи учун белгиланган масофаларга югуриш);

жанговар тайёргарлик юзасидан хизмат қуролидан ўқ отиш бўйича (хизмат қуроли бириктирилмаган ишчилар ва хизматчилар бундан мустасно).

18. Ишчи ва хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Ишчи ва хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тадбирларни ўтказиш методикаси асосида амалга оширилади.

Бунда, ишчи ва хизматчиларга ҳар бир машқни бажарганлик учун балл берилади. Умумий тўпланиши мумкин бўлган максимал балл — 30 баллни ташкил этади.

Ишчи ва хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларидан жами тўплangan балли 15 баллдан паст бўлган тақдирда улар қониқарсиз баҳоланган деб хисобланади.

19. Ишчи ва хизматчиларнинг хизмат қуролидан ўқ отиш тайёргарлик даражасини аниқлаш мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ Ишчи ва хиз-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

матчиларнинг хизмат қуролидан ўқ отиш тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларини ўтказиш методикаси асосида ўтказилади.

Бунда, ишчи ва хизматчиларга ҳар бир машқни бажарганлик учун балл берилади. Умумий тўпланиши мумкин бўлган максимал балл — 30 баллни ташкил этади.

Ишчи ва хизматчиларнинг хизмат қуролидан ўқ отиш тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларидан жами тўплангандан балли 15 баллдан паст бўлган тақдирда улар қониқарсиз баҳолангандан деб ҳисобланади.

20. Ишчи ва хизматчилар томонидан синовларни бажариш бошланишидан олдин уларга синовларни бажаришга қўйиладиган талаблар, бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари комиссия томонидан тушунтирилади.

21. Синовларни бажарган ишчи ва хизматчилар шу вақтнинг ўзида комиссия аъзолари томонидан баҳоланади.

22. Синовларни баҳолаш тадбирлари натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг З-иловасига* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва натижалар шу заҳоти ишчи ва хизматчиларга эълон қилинади.

Қайднома комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида комиссия котибига топширилади.

23. Комиссия томонидан синовларни ўтказиш натижаларига асосан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

ишчи ва хизматчининг касбий тайёргарлик талабларига мувофиқлиги хақида;

ишчи ва хизматчининг касбий тайёргарлик талабларига номувофиқлиги хақида.

24. Узрли сабабларга қўра (таътил, хизмат сафари, меҳнатга вақтинча лаёқатсиз бўлган давр) ўқув босқичи якуни бўйича ўтказилган синовда қатнаша олмаган ишчи ва хизматчилар учун қўшимча синовлар ўтказилади.

Бунда, объект раҳбари томонидан ишчи ва хизматчилар учун қўшимча синовлар улар ўз хизмат фаолиятини бошлаган кундан эътиборан беш кун ичида ўтказилиши керак.

25. Ўқув босқичи даврлари ўртасида ишга (хизматга) қабул қилинган ишчи ва хизматчилар учун ишга (хизматга) қабул қилинган йилда белгиланган синов ўтказилмайди.

26. Синовлардан қониқарсиз баҳолангандан ишчи ва хизматчиларга уларнинг натижалари эълон қилинган кундан бошлаб икки ой ичида мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган синовларни қайта топшириш учун имконият берилади.

4-боб. Касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ишчи ва хизматчиларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

27. Касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонлари бошлани-

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шидан олдин жисмоний тайёргарлик ва хизмат қуролидан ўқ отиш тайёргарлик даражасини аниқлаш натижалари юзасидан ишчи ва хизматчиларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиши учун объект раҳбарининг буйруғига асосан камида беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонларини ўтказишига масъул бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

28. Касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ишчи ва хизматчи ушбу натижалар бўйича хабардор қилинган кундан эътиборан ўн беш кун ичida Апелляция комиссиясига шикоят қилиши мумкин.

29. Апелляция комиссияси касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ишчи ва хизматчини шикоят кўриб чиқилишидан икки кун олдин уни кўриб чиқиши вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

30. Апелляция комиссияси шикоят келиб тушган кундан бошлаб, беш кун ичida мазкур шикоятни кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши шарт.

Бунда, касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ишчи ва хизматчи мазкур шикоятни кўриб чиқиша иштирок этиши хуқуқига эга.

31. Шикоятни кўриб чиқиши натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонлари натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

касбий тайёргарлик якунлари бўйича синов имтиҳонлари натижаларига ўзgartириш киритиш.

Апелляция шикоятини кўришда ишчи ва хизматчиларнинг синов имтиҳонлари натижасида олган балини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

32. Апелляция комиссияси қарори устидан ишчи ва хизматчи юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Якуний қоида

33. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОФЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

436 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланадиган, туман (шаҳар) даражасида амбулатор ва стационар шароитда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3465*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2023 йил 20 июндаги ПҚ-197-сон «Маъмурий ислоҳотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 832-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланадиган, туман (шаҳар) даражасида амбулатор ва стационар шароитда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхати иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хамда Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси билан келишилган.
3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2023 йил 13 октябрь,
41-сон

А. ИНОЯТОВ

* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 октябрда эълон қилинган.
** Илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

A. КУЧКАРОВ

2023 йил 11 октябрь

*Давлат тиббий сүгуртаси
жамғармаси ижро этувчи
директорнинг биринчи ўринбосари*

З. ЭРМАТОВ

2023 йил 11 октябрь

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

437 “Tovar belgisi va xizmat ko'rsatish belgisini ro'yxatdan o'tkazish uchun talabnoma tuzish, topshirish va ko'rib chiqish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyruq, shuningdek unga o'zgartirish va qo'shimchalarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
19-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1988-7*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 19-sentabrdagi 480-son “Tovar belgilari va xizmat ko'rsatish belgilarini ro'yxatdan o'tkazish bo'yicha davlat xizmatini ko'rsatishning ma'muriy reglamentini tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2023-yil 19-oktabr,
13-mh-son

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2023-yil 19-oktabrdagi
13-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat patent idorasi direktorining 2009-yil 24-iyundagi 72-son “Tovar belgisi va xizmat ko'rsatish belgisini ro'yxatdan o'tkazish uchun talabnoma tuzish, topshirish va ko'rib chiqish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1988, 2009-yil 29-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 30-31-son, 353-modda).

2. O'zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi bosh direktorining 2011-yil 26-avgustdagi 35-son “Tovar belgisi va xizmat ko'rsatish belgisini ro'yxatdan o'tkazish uchun talabnoma tuzish, topshirish va ko'rib chiqish qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1988-1,

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 20-oktabrda e'lon qilingan.

2011-yil 30-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 40-son, 417-modda).

3. O'zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi bosh direktorining 2013-yil 8-avgustdag'i 107-son "Tovar belgisi va xizmat ko'rsatish belgisini ro'yxatdan o'tkazish uchun talabnomalar tuzish, topshirish va ko'rib chiqish qoidalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1988-2, 2013-yil 12-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 37-son, 489-modda).

4. O'zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi bosh direktorining 2017-yil 6-noyabrdagi 20-son "Tovar belgisi va xizmat ko'rsatish belgisini ro'yxatdan o'tkazish uchun talabnomalar tuzish, topshirish va ko'rib chiqish qoidalarining 29-bandiga qo'shimcha kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1988-3, 2017-yil 16-noyabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 17.11.2017-y., 10/17/1988-3/0269-son).

5. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2021-yil 7-oktabrdagi 17-mh-son "Tovar belgisi va xizmat ko'rsatish belgisini ro'yxatdan o'tkazish uchun talabnomalar tuzish, topshirish va ko'rib chiqish qoidalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1988-4, 2021-yil 8-oktabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 08.10.2021-y., 10/21/1988-4/0941-son).

6. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 7-martdag'i 4-mh-son "Tovar belgisi va xizmat ko'rsatish belgisini ro'yxatdan o'tkazish uchun talabnomalar tuzish, topshirish va ko'rib chiqish qoidalarining 35-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1988-5, 2022-yil 7-mart) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 07.03.2022-y., 10/22/1988-5/0192-son).

7. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 11-apreldagi 10-mh-son "Tovar belgisi va xizmat ko'rsatish belgisini ro'yxatdan o'tkazish uchun talabnomalar tuzish, topshirish va ko'rib chiqish qoidalarining 4-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1988-6, 2022-yil 11-aprel) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 11.04.2022-y., 10/22/1988-6/0295-son).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ РАИСИННИГ
БҮЙРУФИ

438 **Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байрофи ва эмблемасидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
19 октябрда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3466*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартағи ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байрофи ва эмблемасидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. АЗИЗОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 14 октябрь,
113-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 20 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси

Давлат хавфсизлик хизмати Раисининг

2023 йил 14 октябрдаги 113-сон бўйруғига

ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати
байроғи ва эмблемасидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) байроғи ва эмблемасини тайёрлаш, ундан фойдаланиш, сақлаш ва ўйқ қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Хизмат байроғи ва эмблемаси Хизматнинг расмий рамзлари ҳисобланади.

2. Хизмат байроғи ва эмблемаси ўлчамидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 марта ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида келтирилган намуналарга мувофиқ бўлиши керак.

3. Хизмат байроғи ва эмблемаси Хизмат ҳарбий хизматчилари учун Ватанга садоқат билан хизмат қилишни, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини, худудий яхлитлигини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлигини эслатиб туришга хизмат қилади.

**2-боб. Хизмат байроғи ва эмблемасини тайёрлаш ва ундан
фойдаланиш**

4. Хизмат байроғи ва эмблемасини тайёрлаш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Хизмат байроғидан қўйидаги бино ва иншоотларда фойдаланилади:

Хизмат марказий девони биносида ва раҳбарияти хизмат хоналарида;

Хизматнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, уларнинг туманлар (шаҳарлар) бўйича бўлимлари (бўлинмалари), Хизматнинг чегара қўшинлари, шунингдек Хизматнинг зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа органлар биноларида;

Хизматнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, уларнинг туманлар (шаҳарлар) бўйича бўлимлари (бўлинмалари), Хизматнинг чегара қўшинлари, шунингдек Хизматнинг зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа органлар бошлиқларининг хизмат хоналарида;

Хизмат тарихи музейи, маънавият ва маърифат хоналарида ҳамда мажлислар залларида;

Хизмат иштирокида ёки ташаббуси билан ташкил этилаётган спорт мусобақалари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётган бино ва иншоотларда.

6. Хизмат байроғи Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроқлари билан бир вақтда кўтарилигдана ўнг томондан кўтарилади (бинонинг фасад қисмига қараб турганда).

Хизмат байроғи Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроқлари билан бир текис жойлаштирилади.

7. Хизмат байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада ёки флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиласидаган тарзда кўтарилади.

Кўтариб қўйилган Хизмат байроғининг матоси ер сатҳидан камида 2,5 метр баландликда бўлиши керак.

8. Хизмат байроғи тасвири қўйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

Хизмат автотранспорт воситалари, маҳсус ва ҳарбий техникаларида;

Хизмат ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий формали кийим-кечакларида ва фарқловчи нишонларида;

Хизмат ҳарбий хизматчилари учун ўтказиладиган ўқув-тарбия жараёнида;

Хизмат расмий веб-сайтларида.

9. Хизмат эмблемаси қўйидагиларда жойлаштирилади:

Хизмат марказий девони биносида ва раҳбарияти хизмат хоналарида;

Хизматнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, уларнинг туманлар (шахарлар) бўйича бўлимлари (бўлинмалари), Хизматнинг чегара қўшинлари, шунингдек Хизматнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа органлар биноларида;

Хизмат офицерлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларининг хизмат гувоҳномасида.

10. Хизмат эмблемаси тасвири қўйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

Хизмат автотранспорт воситалари, маҳсус ва ҳарбий техникаларида;

Хизмат ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий формали кийим-кечакларида ва фарқловчи нишонларида;

Хизмат тарихи музейи, маънавият ва маърифат хоналарида ҳамда мажлислар залларида;

Хизмат ҳарбий хизматчилари учун ўтказиладиган ўқув-тарбия жараёнида;

Хизмат фахрий ёрлиқларида ҳамда ички ва халқаро ёзишма хужжатларида;

Хизмат расмий веб-сайтлари ва нашрларида;

Хизмат идоравий кўкрак ва эсадалик нишонларида.

11. Хизмат байроғи ва эмблемаси тасвиридан қўйидаги ҳолларда фойдаланишга рухсат этилади:

Хизмат буюртмаси бўйича чоп этиладиган босма маҳсулотларда;

Хизмат томонидан, шунингдек у билан ҳамкорликда суратга олинадиган кино, видео ва фотоматериалларда;

Хизмат буюртмасига кўра тайёрланадиган идоравий, ахборот ва эсадлик совға маҳсулотлари ҳамда қадоқланган пакетларга туширилган тасвир сифатида, шу жумладан логотип, кубок, спорт медаллари, вимпеллар ва дипломларда.

12. Хизмат байроғи ва эмблемаси бутун ҳамда ранги бузилмаган ҳолда кўтарилади ва жойлаштирилади.

13. Хизмат байроғи ва эмблемасининг ўлчами, ўрнатилган ёки жойлаштирилган жойларига мос келиши керак.

14. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан товарларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш) ва реализация қилишда Хизмат байроғи ва эмблемаси тасвири туширилган белгилардан фойдаланиш тақиқланади, бундан Хизмат буюртмасига асосан товарларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш), шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

15. Юридик шахсларнинг рамзий белгилари Хизмат байроғи ва эмблемаси билан айнан ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

3-боб. Хизмат байроғи ва эмблемасини сақлаш ва йўқ қилиш

16. Хизмат байроғи ва эмблемасини сақлаш, ҳисобини юритиш, бериш ва ишлатиш Хизмат Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, уларнинг туманлар (шахарлар) бўйича бўлимлари (бўлинмалари), Хизматнинг чегара қўшинлари, шунингдек Хизматнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа органлар бошлиқлари томонидан тайинланадиган моддий жавобгар шахслар томонидан таъминланади, бундан ушбу Низомнинг 9-банди тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолат мустасно.

17. Хизмат байроқлари ва эмблемалари кейинчалик фойдаланиш учун яроқсизлиги аниқланганда, моддий жавобгар шахс уларни алмаштириш бўйича зарур чоралар кўради.

18. Бинонинг олд томонида жойлаштирилган Хизмат байроғини алмаштириш унинг эскиришига кўра, бир йилда кўпи билан тўрт марта амалга оширилади. Бино ичida ва мажлислар залларидағи байроқ уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган муддатда алмаштирилади. Агар белгиланган муддат тамом бўлгандан кейин Хизмат байроғи қониқарли ҳолатда бўлса, у алмаштирилмайди.

19. Хизмат эмблемаси кўпи билан беш йилда бир марта алмаштирилади. Агар ушбу муддат ўтгач белги қониқарли ҳолатда бўлса, у алмаштирилмайди.

20. Дастраслабки кўринишини йўқотган ёки фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган Хизмат байроғи ва эмблемасини йўқ қилиш қайта фойдаланишни истисно этиш мақсадида ёкиш, эритиш ва майдалаш йўллари орқали амалга оширилиши шарт.

Фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган Хизмат байроти ва эмблемасини йўқ қилиш тўғрисида тегишли далолатнома моддий жавобгар шахс томонидан тузилади.

4-боб. Якунловчи қоида

21. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланганд тартибда жавоб беради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

**439 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов
хибсоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш-
лар ва қўшимча киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-6*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2019 йил 28 августдаги ЎРҚ-558-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сон «Мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, 2021 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-729-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2022 йил 11 мартағи ЎРҚ-758-сон «Солик маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ-770-сон «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 175-сон буйруғи (рўйхат рақами 2456, 2013 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсоналарининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 20 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйрук расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 12 октябрь,
517-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2023 йил
12 октябрдаги 517-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов
ҳибсоналарининг ички тартиб қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 5-банндаги «ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси (бундан буён матнда ЖИЭББ деб юритилади)» деган сўзлар «ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (бундан буён матнда ЖИЭД деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қўйидаги мазмундаги 81-банд билан тўлдирилсин:

«81. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари коррупциянинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш учун ўз ваколатлари доирасида ТҲга монеликсиз кириш ва зарур хужжатлар билан танишиш ҳукуқига эга.

ТҲнинг маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимларига уларнинг ўз вазифаларини бажариши ва тегишли хужжатлар билан танишиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт».

3. 9-банднинг еттинчи хатбошисидаги «ЖИЭББ» қисқартмаси «ЖИЭД» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

4. 18-банндаги «Сақлаш муддати» деган сўзлар «Қамоқда сақлаш муддати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 72-банднинг учинчи хатбошисидаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 96-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«96. Зарур ҳолларда, ТҲда сақлананаётган тиббий ёрдамга муҳтоҷ шахслар ЖИЭД маъмурияти билан келишилган ҳолда жазони ижро этиш тизимидағи маҳкумлар учун ихтисослашган касалхонага белгиланган тартибда юборилади.»

7. 100-банндаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг ўттиз фоизигача» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг эллик фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 107-банддаги «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
9. 161-банднинг биринчи хатбошисидаги «ЖИЭББга» қисқартмаси «ЖИЭДга» қисқартмаси билан алмаштирилсин.
10. 189-банддаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.
11. 194-банддаги «ЖИЭББга» қисқартмаси «ЖИЭДга» қисқартмаси билан алмаштирилсин.
12. 197-банддаги «ЖИЭББ» қисқартмаси «ЖИЭД» қисқартмаси билан алмаштирилсин.
13. 234-банддаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
14. 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 10-иловалардаги «УЯ-64/___» деган сўзлар «___-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

440 «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш түғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида^{*}

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари түғрисида»ги ва 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон «Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари түғрисида»ги фармонларига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги қарор қилади:

1. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар иловага мувофик ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
 2023 йил 27 октябрь,
 3-сон

Рақамли технологиялар вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
 2023 йил 26 октябрь,
 23/11-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 30 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг 2023 йил 27 октябрдаги
3-сон ва Рақамли технологиялар
вазирлигининг 2023 йил 26 октябрдаги
23/11-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 31 июлдаги 6, 136-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3181, 2019 йил 13 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 19/19/3181/3738-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 31 августдаги 2-сон ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 26 августдаги 203-мҳ-сон «Давлат хизматлари ягона реестрига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3181-1, 2020 йил 31 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.08.2020 й., 10/20/3181-1/1270-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 2-сон ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 8 октябрдаги 218-мҳ-сон «Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3181-2, 2021 йил 18 октябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.10.2021 й., 10/21/3181-2/0973-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 4-сон ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 230-мҳ-сон «Давлат хизматлари ягона реестрига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3181-3, 2022 йил 27 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.07.2022 й., 10/22/3181-3/0678-сон).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

441 Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғриси-да*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3467*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон «Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш хамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Давлат хизматлари ягона реестри иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 27 октябрь,
14-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 30 октябрда эълон қилинган.
** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти бошлигининг 2023 йил 28 сентябрдаги 37-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўйлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

2023 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-7.

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил 28 сентябрдаги 250-сон «Идоравий харбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг хизмат-жанговар, ижтимоий-хукуқий, ахлоқий-рухий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи.

2023 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3464.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш вазирининг 2023 йил 13 октябрдаги 41-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланадиган, туман (шаҳар) даражасида амбулатор ва стационар шароитда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи.

2023 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3465.

4. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 19-oktabrdagi 13-mh-son «Tovar belgisi va xizmat ko‘rsatish belgisini ro‘yxatdan o‘tkazish uchun talabnoma tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida»gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘s himchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida»gi buyrug‘i

2023-yil 19-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1988-7.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг

2023 йил 14 октябрдаги 113-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроби ва эмблемасидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруфи.

2023 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3466.

6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 12 октябрдаги 517-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳисбхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги бўйруфи.

2023 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-6.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2023 йил 27 октябрдаги 3-сон ва Рақамли технологиялар вазирлигининг 2023 йил 26 октябрдаги 23/11-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181-4.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 27 октябрдаги 14-мх-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруфи.

2023 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3467.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сон «Товар белгиси ва хизмат қўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруфи (рўйхат рақами 1988, 2009 йил 29 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1988-1, 2011 йил 30 сентябрь), (рўйхат рақами 1988-2, 2013 йил 12 сентябрь), (рўйхат рақами 1988-3, 2017 йил 16 ноябрь), (рўйхат рақами 1988-4, 2021 йил 8 октябрь), (рўйхат рақами 1988-5, 2022 йил 7 март), (рўйхат рақами 1988-6, 2022 йил 11 апрель).

2023 йил 19 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 31 июлдаги 6, 136-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3181, 2019 йил 13 сентябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3181-1, 2020 йил 31 август), (рўйхат рақами 3181-2, 2021 йил 18 октябрь), (рўйхат рақами 3181-3, 2022 йил 27 июль).

2023 йил 27 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

**Мазкур хужжатлар конунчиликка ўзгартериш киритилиши ва/
ёки янги норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниши муносаба-
ти билан давлат реестридан чиқарилди.**